



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 5-may. Seshanba 51 (31.954)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ЛОЙИХАСИ: «КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ»

Ёши улуг кишиларни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — бурчимиз

БУГУНГИ КУНДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА 98 НАФАР 100 ЁШДАН ОШГАН ТАБАРРУК КЕКСАЛАР, 346 НАФАР ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИСИ, 5 МИНГ 300 НАФАРГА ЯҚИН ФРОНТ ОРТИДА МЕҲНАТ ҚИЛГАН ИНСОН УМРГУЗАРОНЛИК ҚИЛМОҚДА.

ХОНАДОНЛАРИМИЗ КЎРКИ БЎЛГАН ПИРУ БАДАВЛАТ КЕКСАЛАРИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватлаш, қадрлаш мақсадида ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҚАТОР ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА. БўКА ТУМАНИДАГИ БЎСТОН ҚИШЛОҒИДА «КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ!» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИР БУНИНГ БИР ТАСДИҒИ БЎЛДИ.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Парламент назорати халқ назоратидир



Маълумотларга кўра, дунёнинг ривожланган давлатларида ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назорати ўнган ортиқ шаклда амалга оширилади. Бундай назорат аксарият ҳолларда ҳукумат олдида масала қўйиш, унинг сиёсати юзасидан мунозаралар ўтказиш, ҳукумат аъзоларининг фаолияти бўйича ҳисоботини тинглаш ҳамда парламент текшируви, махсус мажлиси ва сўрови каби кўринишларда намоён бўлади. Аҳамиятли жиҳати, бугунги кунда ушбу механизмларнинг аксарияти миллий қонунчилигимизда ўз аксини топти. Сўнгги йилларда Бош Қомусимизга киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, мамлакатимизда парламент назорати институтига конституциявий мақом берилди.

Парламент назорати ҳақида сўз борар экан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган асосий ғоялар, унда белгилаб берилган вазифаларни ҳаётага татбиқ этиш билан бу борада муҳим давр бошланганини таъкидлаш жоиз. Ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан айнан парламент назоратининг кучайтирилиши билан давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида манфаатлар мувозанати таъминлан-

моқда. Масалан, парламентга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан унинг ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилди. Энг муҳими, бу каби янги имкониятлар қонун ижодкорлиги сифатини жиддий равишда оширмоқда, демократияни қарор топтиришда қонун чикарувчи ҳокимиятнинг роли, сиёсий партиялар фракциялари иштироки янада кучайиши учун кенг йўл очиб бермоқда.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг пленумлари ўтказилди. Уларда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни бажаришда партия ташкилотлари иштироки, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури, шунингдек, партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама қилинди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари олиб бораётган ишлар танқидий таҳлил этилди. Пленумларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида муҳим вазифалар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловчиларга берилган ваъдаларни бажариш учун сидқидилдан ҳаракат қилмоқ, виждонан ишламоқ лозим

Хусусан, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши пленумида электрат манфаатларини ҳимоя қилишда ЎзХДП ташкилотлари ва гуруҳлари фаолли-

гини ошириш масаласи муҳокама этилди ҳамда энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб олинди.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон ХДП мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини оширишга қаратилган чоратadbирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Давлат дастурлари асосида мазкур йўналишда олиб борилаётган чоралар ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортбоплигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида миллий интернет журналистикасини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган республика конференцияси ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, медиа-соҳа экспертлари, марказий ва ҳудудий босма ҳамда интернет оммавий ахборот восита-

Интернет-журналистика истиқболлари

лари ходимлари, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари мавзу юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

Қайд этилдики, мамлакатимизда онлайн оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, интернет ОАВ сегменти учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, веб-нашрлардаги мақолалар мавзуларини кенгайтириш ва хилма-хиллигини оширишга жид-

дий аҳамият берилаяпти. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, жамиятда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда 20 мингдан зиёд веб-сайт фаолият юритаяпти. Айни пайтда ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган 300 дан ортиқ веб-сайт фойдаланувчиларга ахборот-

таҳлилий хизматлар тақдим этиб келмоқда.

Анжуманда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, тизимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тенденциялари, онлайн-журналистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

Эътироф

Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича белгиланаётган чора-тадбирлар юқори баҳога муносибдир.

Аёлларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, қишлоқ жойларда аёлларга қаратилаётган эътибор алоҳида диққатга сазовор. Ўзбекистонга биринчи сафарим чоғида бутун мамлакат бўйлаб ҳомиладор аёллар ва ёш оналарга махсус тиббий хизмат кўрсатадиган сайёр гуруҳларнинг фаолияти билан танишдим. Бундай усулни Америкада ҳам қўлласа бўлади.

Сюзан Сканлан, АҚШ Аёллар ташкилотлари миллий кенгашининг раиси, Аёлларни ўрганиш ва ўқитиш институти президенти.




9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Ўзбек халқи урушда ҳам, фронт ортида ҳам

жасоратлар кўрсатган эди

Ўзбек фарзандлари Иккинчи жаҳон урушида жасорат намуналарини кўрсатди. Ўзбек халқи фронтга ва ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ёрдам бериш билан бирга Россия, Украина ва бошқа жойлардан келган бир миллион нафар аҳолини, шу жумладан, 200 минг болани ўз бағрига олди, уларни бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Партияимизнинг ҳар бир аъзосидан янада фаоллик талаб этилмоқда



Жиззах вилоятида партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди

Сирдарё вилоятида 62 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1367 нафар уруш орти меҳнат фахрийси истиқомат қилади.

БОКС

■ Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўнга яқин давлатдан 150 нафар ёш спортчи иштирок этган мазкур мусобақа маҳорат ва шижоат синовига айланди.



ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

46 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида мусобақаи чорак финалдан бошлаган ёш боксчимиз Халимбек Утегенов аввалига мезбонлар вакилини, ярим финалда грузиялик, ҳал қилувчи жангда қозғистонлик спортчини мағлубияга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Спортчимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Халимбекнинг ғалабаси жамоадoshларини руҳлантириб юборди. Вазни 50 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида Муроджон Алиев, 54 килограммгача оғирликдаги спортчилар ўртасида Саиджамшид Жафаров ҳам рақибларига ҳеч қандай

имконият қолдирмади ва олтин медални қўлга киритди.

Ёш боксчиларимиздан Баҳодир Баротов, Фаррух Илхомов ва Дилшод Рўзметов ўз вазн тоифасида кумуш медалга лойиқ топилди. Жаҳонгир Раҳмонов, Темур Мержанов, Яхёхон Саидхонов ва Аббосхон Мирзаабдуллаев бронза медал билан тақдирланди.

Халқаро турнирда учтадан олтин ва кумуш ҳамда тўртта бронза медални қўлга киритган терма жамоамиз аъзолари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ў.А.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмайди

■ Президентимизнинг уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида Сирдарё вилоятида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилипти.

Ўтбосар АБДИЕВ, «Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Давлатимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар уларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Барча туман, шаҳарларда бу инсонларга «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» юбилей эсдалик медал, пул мукофотларини тантанали

топишиш маросимлари бўлиб ўтди.

Сирдарё вилоятида 62 нафар Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси, 1367 нафар уруш орти меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги томонидан фондимида ажратилган 71,9 гектар ерда 11 корхона ва фермер хўжаликлари ташкил этилган. Олинаётган даромад ҳисобидан фахрийларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Фахрийларимиз йилига бир марта бепул сана-

торий ва соғломлаштириш курсидан ўтиш имтиёзидан ҳам фойдаланяптилар.

Рустам БЕКТЕМИРОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ёши улуг инсонларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида турли тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Сайхунбод туманида уюштирилган «Қутилмаган меҳмон» тадбирида туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди, уларнинг уй ишларига қўмаклашиш

мақсадида ёшлар ҳашари ўтказилди. Пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатилди. Бундай тадбирлар барча маҳаллаларда ташкил этиляпти.

Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига мамлакатимизда ишлаб чиқилган аналогли ва рақамли телевизорлар совға этаяпмиз.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда уй-жойлари таъмир-таълаб бўлиб қолган, эҳтиёжманд кексаларнинг рўйхатлари шакллантирилди, уларнинг хонадонлари жорий ёки мукаммал таъмирланади.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲИҚМАТЛАР ХИЁБОНИ

КУЧ ВА КҮРК ЁШЛИК БЕЗАГИ, ҚАРИЛИКНИНГ БЕЗАГИ ЭСА ЗАКОВАТ ВА МУЛОҲАЗАКОРЛИҚДИР.

◆◆◆

МЕҲНАТ ВА ИЖОД КЕКСАЙИШНИ СЕКИНЛАШТИРАДИ.

◆◆◆

КЕКСАЙИК САНЪАТИ ЁШЛАРГА ТЎҒАНОҚ ЭМАС — СУЯНЧИҚ, РАҚИБ ЭМАС — МУАЛЛИМ, БЕФАРҚ ЭМАС — ҲАМДАРД БЎЛИШ ДЕМАҚДИР.

◆◆◆

ОДАМ КЕКСАЙГАНИНИ ҚАЧОН СЕЗАДИ? БУНИ ОРЗУ-УМИДДАН ВОЗ КЕЧИБ, ФАҚАТ ХОТИРАЛАР БИЛАН ЯШАЙ БОШЛАГАНДА ҲИС ҚИЛАДИ.



ЭЪЛОН

Тошкент давлат шарқшунослик институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади

1. «Араб филологияси» кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин (араб филологияси).
2. «Эрон-афғон филологияси» кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин (эрон филологияси).
3. «Япон филологияси» кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин (япон филологияси).
4. «Корейс филологияси» кафедраси: доцент — 1 ўрин (корейс филологияси).
5. «Жанубий Осиё тиллари» кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин (урду филологияси).
6. «Мумтоз филологияси» кафедраси: доцент — 1 ўрин (мумтоз филологияси).
7. «Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти» кафедраси: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
8. «Таржима назарияси ва амалиёти» кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин (рус тили).
9. «Хитой тили ва адабиёти» кафедраси: доцент — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
10. «Хитой сиёсати, тарихи ва халқаро муносабатлардаги ўрни» кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
11. «Хорижий мамлакатлар тарихи» кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
12. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин (диншунослик).
13. «МДХ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги» кафедраси: доцент — 1 ўрин.
14. «Фарбий Европа тиллари» кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин (немис тили).

Хужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ХУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (3x4 рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Белгиланган талабларга қўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз тили) ва информатсион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида).
5. Тасдиқланган илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Телефонлар: 233-45-21, 233-44-36.

РЕКЛАМА

UZTELECOM «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
акциядорлик компанияси
«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

Мамлакатимиз алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси ходимларини
7 май — Алоқачилар касб байрами билан ҳамда барча юртдошларимизни
9 май — Хотира ва қадрлаш кунини билан табриклайди!

Тилагимиз — ўзаро меҳр-оқибат, келажакка ишонч ва яратувчанлик шижоати сиз, азизларни асло тарк этмасин!

ТИНЧЛИГИМИЗ БАРҚАРОР, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!

UZTELECOM «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
акциядорлик компанияси тизимидаги
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси ходимларини
Алоқачилар касб байрами ҳамда халқимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини билан қутлайди!

Она Ватанимиз равнақи, ёрқин истиқболи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омадлар тилайди!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФФО БЎЛСИН!